

Сийрат 196-дарс. Яхшилик гўзал хулқдир



19:00 / 12.08.2022 4079

755. Наввос ибн Самъон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрадим. Шунда у зот: **«Яхшилик гўзал хулқдир. Ёмонлик ичингда кезаётган ва одамлар уни билиб қолишини ёқтирмаган нарсангдир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

756. Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: **«Сизлар ростгўйликни лозим тутинглар. Чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса**

жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўйликни истайверишда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқлардан» деб ёзилади. Сизлар ёлғондан эҳтиёт бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни истайверишда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоблардан» (ёлғончилардан) деб ёзилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

757. Абул Ҳавро Саъдий Робийъа ибн Шайбондан ривоят қилинади:

«Ҳасан ибн Алийга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нимани ёдлаб қолгансан?» дедим. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан **«Сени шакка солган нарсани қўйиб, шакка солмаган нарсага ўт. Албатта, содиқлик хотиржамликдир. Албатта, каззоблик шубҳадир»** ни ёдлаб олганман, деди».

Термизий, Насоий, Ибн Ҳузайма ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан